

Мунозарадан фойда бўлмайди



09:22 / 15.07.2019 4137

Шайхул ислом, Муфтий Муҳаммад Тақий Усмоний ҳафизаҳуллоҳ айтадилар:

Аллоҳ таъоло Ҳазрати Мавлоно Ашраф Али Таҳановий раҳматуллоҳи алайҳга шундай калом қувватини ато қилган эдики, бирор шахс бирор масалада баҳс учун келса, Ҳазрат бир неча дақиқада уни жавобсиз қолдирар эдилар.

Ҳазрат Доктор Абдулҳай қоддасаллоҳу сирроҳ айтадиларки, бир куни Ҳазрат бемор эдилар ва тўшакда ётган эдилар. Ўша вақтда шундай дедилар:

«Алҳамду лиллаҳ, Аллоҳ таъолонинг раҳмати сабаб шуни айтаманки, агар бутун дунёдаги ақлли инсонлар жамланиб келсалар ва исломнинг бирор оддий масаласида эътироз билдирсалар, инша Аллоҳ, уни икки дақиқада

жавобсиз қолдира оламан».

Яна шундай дедилар: «Менку оддий бир талабаман. Уламоларнинг шаъни улуғдир».

Такидлаш жоизки, Ҳазрат раҳматуллоҳи алайҳнинг олдиларига бирор одам бирор масалада гаплашишга келса, бир неча дақиқадан ортиқ ўтирмас эди.

Ҳазрат раҳматуллоҳи алайҳнинг ўзлари айтадиларки, мен Дорул улум Девбанддан Дарси Низомийни қилиб фориф бўлганимда, ботил фирқалар билан мунозара қилишга жудаям шавқим бор эди. Чунончи, гоҳо шиалар билан мунозара бўляпти, гоҳо бемазҳаблар билан мунозара бўляпти. Гоҳо барлавийлар билан, гоҳо ҳиндулар билан, гоҳо сингҳлар билан мунозара бўляпти. Янги битирган эдим, шу сабабли шавқ ва жўш ила мунозара қилавердим. Лекин кейин мунозарадан тавба қилдим. Чунки, тажриба шу бўлдики, бундан фойда бўлмайди. Балки, ботиний ҳолатларимга таъсири бўлди. Шунинг учун мен уни тарк қилдим.

Демак, бизнинг улуғларимиз ҳақ ва ботил ўртасида ҳам мунозарани маъқул кўришмади, у ҳолда ўз нафсоний хоҳишотлари сабабидан ёки дунёвий муомалалар сабабидан мунозара қилиш ва жанжалнинг қандай маъқул кўриш мумкин. Бу тортишувлар ботинни хароб қилиб юборади. Қалбдан илм нури ўчишига сабаб бўлади.

«Ижтимоий ҳуқуқлар ва мажбуриятлар» китобидан

Абдулқаййум Комил таржимаси